



ТОШКЕНТ ҲАҚИКАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 1997 йил 21 март, жума • № 24 (10.902) • Эркин нархда сотилади

Хушxabарлар

МЕҲРИБОНЛИК

НАВРЎ нафақат шоду-хуррамлик, хурсандчилик, балки эзгулик, саҳоват, меҳрибонлик байрами ҳамдир.

Шунинг учун ҳам вилоятимизда, шаҳар ва туманларда бундай тадбирлар кенг кўламда амалга оширилмоқда. Байрам арафасида 9 мингдан ортиқ уруш қатнашчилари ва ногиронлари, 3700 дан зиёд ёлғизлар, мурувват уйларида яшовчи 610 нафардан ошқоқчи кишилар, кўплаб етим-есирлар ва кам таъминланган оилаларга кўрсатилган ғамхўрлик бунинг яққол мисолидир.

Ўтган куни Оҳангарон шаҳридаги «Саҳоват» кексалар уйида ҳам узгача тантана бўлиб ўтди. Вилоят ҳокими Эркин Рўзиев меҳрибонлик масканида яшаётган қариюлар хузурида бўлиб, уларни муборак айём билан қутлади. «Саҳоват» уйига ҳокимлик номидан телевизор, палос ҳадя қилинди. Шунингдек, 240 нафар нуронийларнинг ҳар бирига махсус совғалар берилди.

Тантана тўйга улашиб кетди. Шу куни Оҳангарон шаҳар маданият бўлимининг бадий жамоалари кексалар хизматида бўлди.

БУНАҚАСИ

ЙЎҚ ҚАЛИ

Оққўрғон туманидаги «Оққўрғон» ширкатлар уюшмаси фермерлари Маҳкам Соурбоев ва Абдухалиқ Абдураҳимовлар учун Наврўз кўш байрамга айланди. Айём арафасида ҳар икки фермернинг 1,5 гектардан майдонни эгаллаган исроилликлар лойиҳаси асосида қуриб битказилган энг замонавий бино ва ускуналар билан жиҳозланган чорвачилик фермаси иш бошлади.

Ҳар бирида 40 бошдан қорамол боқиладиган бу фермаларга Исроил давлати 50 минг долларлик — компьютерлаштирилган сизир соғиш ускунасини совға қилди. Биноларни қуришга хўжалик ёрдам берди. Республика «Бизнес-фонд»нинг вилоят бўлими тадбиркорларнинг ҳар бирига 2 миллион сўмдан имтиёзли кредит ажратди. Шу ҳисобга фермерлар юқори маҳсулоти молларни сотиб олишмоқда. Айни кунларда бу ерда ҳар бош соғин сизирдан ўртача 14-15 килограммдан сўт соғиб олинмоқда. Йил охирига бориб фермер хўжаликлардаги қорамоллар 100 бошга етказилади. Хўжалик тадбиркорларга 30 гектардан ортиқ ажратди.

Мутахассисларнинг фикрича бундай сунгги тоифадаги ферма, нафақат республикамизда, балки, МДХ давлатларида ҳам йўқдир.

АССАЛОМ,



МУБОРАК АЙЁМ!

КЎЗИМ УСТИНА КЕЛМОҒИНГ...

ҲАР САҒАР шундай бўлади: узун киш тунлари кўксимда куртаклар шивирини бошланади. Узун киш тунлари рўҳим иқлимларида пардаини ёнгили, қуш патларидай майин шабадалар эсади. Опоқ, пага булутлардан узилган томчилар юзларинга беҳос томиб кетгандай бўлади гўё. Қор кўйида жимгина ухлаб ётган далаларни ялғиз исн тугиб кетгандай бўлади.

Сумалак қайнаётган қозонлар тубидаги дарё тошчаларининг шиқирлашигача қулоғимга чалингандай бўлади, гўё. Қорақўз қалдирғочларнинг қанотлари юзларимни силаб ўтгандай... Бутун оламни лолаларнинг гулхани туггандай... Кекса онам гиёҳларни кўзига суриб, «омонлик-сомонлик, ҳеч кўрмайлик ёмонлик», деб дуо қилётгандай... Бу кўнгил чизгилари билмам неча бор такрорланаверади, такрорланаверади ва узун киш кунларининг эстагида бирдан эртақлар оламидидаги мўъжазадай Баҳор кўринади. Кўнглини бирдан кўкларга кўтариб Наврўз келади. Шунда унинг яшил этакларини ҳаёлан кўзларимга сураман. Кўнглим бир-бирдан гўзал сезгиларга бирдан тўлади. Қалдирғочлар валфажрлари жонимда бошланади. қурт-қумурсқадан тортиб, том буготларига иймана-иймана илиниб турган майсаларга-да, қараб, «Наврўзи айёмингиз муборак бўлсин, азизларим!» дейман.

Баҳорга зор кўнглиларнинг илнинжида баҳор бордир, Кими ишқини, кими дарддин, кими гарддин сочи қордир. Ва лек уммед томирлари ёруғ ҳис-ла устивордир, Сенга жумла жаҳон бирла маним мушфиқ дилим зордир, Кўзим устина келмоғинг, мени кутган куним Наврўз!

Ҳар кўнглининг ўз Наврўзи бор. Ҳар кўнгли уни ўзича байрам қилади. Наврўзи олам — бу бизнинг қадимий битикларимиздек ўтирмай тутиб турган ажодлар китоби... Биз уни ҳар баҳор такрор ва такрор ўқиймиз. Ҳар баҳор унга қалбан яқинлашиб, ўзлашиб бораверамиз. Узлигимизнинг янги-янги қирраларини қайта-қайта кашф қиламиз. Кўнглида хурлиги, беқлиги устивор бўлган юртининг Наврўз каби гўзал байрамлари бўлади. Назаримда, юртимиз сумалакларни пишириб кетган қозонларда дунё тинчлигини сўраган покиза юракларнинг

ҳаётбахш дуолари қайнаб ётгандай... Бундай дуолар, бундай тиллақлар — кўнглинг кўл дуоларидан аўр улғу истиқлолимизнинг умри абадий, ўн икки юлдузи, ойли байроғимизнинг ҳилпирашлари гуруримизнинг қаддини янада дунёлар қадар кўтарарди.

Юрт тупроғида Истиқлол Наврўзларини мана олти йилдирки, кўксимиз хурлик ҳавосидан тўйиб-тўйиб нафас олиб нишонлаяпмиз. Қони қонимизга, жони жонимизга туташ улғу соҳибқирон Амир Темурдек хазрат боболаримиз, миллатимиз шони-шавақати, эрки йўлида фидо бўлган улғуларимиз руҳлари ҳам биз билан бирга байрам қиляпти, она-Ватан мўқаддаслигини, танҳолигини қайта-қайта кўнглимизда кўкларимизга... кўнглимизда ёруғ орузлар шўъласи порлаб ётибди.

Наврўз, бугунги гўдақларининг тиллари нақадар бийрон, гурурлари нақадар баланд, ниғоҳлари нақадар ўткир... Уларга қараб беҳад ҳавасланаман, инсоннинг юксакликларга, баландликларга кўтариллиши учун хурлик нақадар зарурлигини ҳис қилиб, ичидан қувонаман.

Наврўз, Билмайсан қанчалар яхшилигинини, Келтирган гулларинг фақат оқ бўлсин! Дунё иқлимига қизинг малика, Улғонинг довуқли подишоҳ бўлсин!
Наврўз, аслида сен бизнинг томирларимизда оқабган қонларда йил буйи кезиб юрадиган умидларнинг мангу яшил байрамисан. Она қалқининг ўзсан!
Сен — ўтмишим, сен — армоним, тил остида гаҳар тошим, Сен — бугуним, истиқболим, гоҳ киприқда қотган бшшм. Сен — турклагим, сен — поклагим, дину-иймон, чўғ бардошим, Келтирганинг шодлик бўлсин, мен пойинга кўйи бошим. Кўзим устина келмоғинг, мени кутган куним Наврўз!
Шарифа САЛИМОВА.



1. ҲАР КҮН НАВРЎЗ БЎЛСИН, БАҒРИМИЗ БУТУН...

«Дўстлик» ўйингоҳида вилоятимизнинг Наврўз шодиёнаси қатта шоду-хуррамлик билан ўтди.

Тўйга олдиндан тарадуд кўриш халқимизнинг азалий одади. «Дўстлик» ўйингоҳида бўладиган Наврўзи айём байрамини вилоят ташкилотлари, корхоналар, жамоа хўжаликлари, талабалар қатори хизматта бел болаган ошпаз-у чойхоначилар, хонанда-ю созандалар обдон ҳозирлик кўрдилар.

Ўйингоҳга кираверишда, кенг дарахтзор ичида бир кунда бир нечта кўчма «хонадон» қад кўтарди. Тумандаги ҳар бир хўжалик

ўзига тегишли «ҳовли»ни безашда, дастурхон ёзишда гўё бир-бири билан мусобақалашаётгандек эди. Утовлар чиройли қилиб безатилди. Сўриларга гиламлар тўшалди, Баҳор нознеъматлари — сумалак, ҳалим, сомса, чучваралар дастурхонни безадди.



Вилоятнинг Наврўз тантанасидан лавҳалар. Даврон АҲМАД ва Леонид ГҲСЕЙНОВ олган суратлар.

Хушxabарлар

ҚИШЛОҚЛАРГА ГАЗ КЕЛДИ

Президентимизнинг қишлоқ аҳолисини ичимлик сув ва газ билан таъминлашни тубдан яхшилашга қаратилган Фармонини амалга ошириш йўлидаги саъй-ҳаракатлар тобора кенгайиб бормоқда.

Наврўз арафасида яна қатор қишлоқ аҳоли манзилгоҳларига «зангори олов» тармоқлари тортилди.

Биргина Ўртачирчиқ туманида 12 километр узунликдаги шундай тармоқлар фойдаланишга топширилди. Бука туманидаги «Хўжақўрғон» ва Азаматов номи жамоа хўжаликларидан 3 километр узунликдаги газ узатиш тармоғи қуриб битказилди. Қибрай туманида ҳам салкам 2 километр янги газ тармоғи ишга тушди.

ЯНГИ ТИББИЙ

МУАССАСАЛАР

Вилоятимизда қишлоқ аҳолисига тиббий хизмат кўрсатувчи замонавий муассасаларни барпо этиш ишлари давом этмоқда.

Бука туманидаги «Ачамайли» жамоа хўжалигида янги қишлоқ тиббиёт шифокорлик пункти ишга тушди. Худди шундай замонавий тиббий муассаса Паркент туманидаги Бойқозон қишлоғида ҳам барпо этилди. Бундан ташқари, Бука туманида аёллар ва болалар маслаҳатхонаси, туғруқхона бинолари қад кўтарди. Куйичирчиқ туманида эса янги туғруқхона бунёд этиш ишлари охирига етказилди. Чирчиқ шаҳри ва Чиноз туманида янги дорихоналар аҳолига хизмат кўрсата бошлади.

ҚИСҚА

МУДДАТЛАРДА

Байрам арафасида аҳолининг эҳтиёжларига хизмат қилувчи бошқа турдаги ўнлаб ишхоотлар ҳам ишга туширилди.

Биргина Янгиўл шаҳрида 4 та автобус бекаети, 2 та дўкон, 2 та ошхона, автомобилга ёнилик қуийш тармоғи барпо этилди. Олмақида 2 та қаҳвахона, дўкон ишга тушди. Куйичирчиқда яна ичимликлар цехи, янги бозор, 2 та дўкон ва бошқа шунга ўхшаш объектлар қад кўтарди. Чиноз туманида 10 та савдо растаси, 5 та гушт дўқони, автобус бекаети аҳолига хизмат кўрсатишга киришди. Миллий меъморчилик услубида қурилган қатор шинам маданий-маиший ишхоотлар Оққўрғон хуснига хусн қўшди.

Зангиота тумани қишлоқларида ҳам кўплаб шундай ишхоотлар қурилди. 8 та дўкон, 2 та ошхона, телерадио аппаратлари, автомобил тузатиш устаконалари барпо этилди, ўйингоҳ таъмирланди. Тошкент туманидаги Келес марказий ўйингоҳи қайта тикланди, 2 та маиший савдо биноси қурилди. Вилоятимизнинг бошқа шаҳарлари ва қишлоқларида ҳам қатор шундай объектлар фойдаланишга топширилди.

БАЙРАМДА АНИҚЛАНАДИ

ПАРКЕНТ туманида Наврўз байрами арафасида «Камолот» жамоаси, ҳақ таълими туман бўлими ҳамда туман спорт кўмитаси бирлашди...

Бўйича туман биринчилиги мусобақасини уюштиришди.

21 март куни мактаб ўқувчиларининг маъзур беллашувиغا яқун ясалади. Фолблар туман марказидаги асосий майдонда кўргазмали чиқоша қатнашди...

Тўлқин ИБРОҲИМОВ.

АРДОҚДАСАК АРСИЙДИ

Ишларимиз янада юришиб кетадиган бўлди.. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Шахсий ёрдами ва деҳқон ҳўжаликларини давлат йўли билан қўллаш...

хушнудлик билан ўтказиладиган ҳақиқий байрамдир. Бу байрам жараёнида одамларимизнинг бир-бирларига бўлган меҳр-оқибати, мурувати яна бир бўла...

Деҳқон дилидаги гаплар

Пахта, 50 центнердан галла, қўллаб сазавот, картошка топширади. Буларнинг ҳаммаси манфаатдорлик самарасидир.

Жамоамизда соф фойда 500 миң сумни ташкил этди. Агарда бизда 35 га яқин киши меҳнат қилаётган бўлса уларнинг урғача ойлк...

Булар ўз йўлига, димий қилинадиган ишларимиздир. Лекин, биз, энг муҳими, Наврўз кўнрада иложи борича муруват қўрастишни мақсад қилиб олганмиз. Шу мақсадда «Наврўз» жамоамизга 3 миң АМД йўқ...

Дарове, Наврўз ҳар қанча ардоқласа эрайди. Қўни кеча ойиша жохон орқали Президентимизнинг мамлакатимизда Наврўзни қандай ўтказиш, уни қандай қўтиб олиш...

Абдуқўрғон ГАФОРОВ. Бўёқ туманидаги «Кўкорол» жамоа ҳўжалиги «Учқун» деҳқон-фермер ҳўжалиги раҳбари.



Вилоят шодиёналаридан Даврон АХМАДОВ олган суратлар.

3. ҲАР КҲН НАВРЎЗ БЎЛСИН, БАҒРИМИЗ БУТУН...

Гурунлашиб ўтирган бир гуруҳ ота-хонлар даврасига қўшилди. 75 баҳорни қаршилаган Абдураҳмон ота Омонов, қирқ йилдан зиёд «Дўстлик» ҳўжалигининг мириб қилган Хошим ота Турсунқул...

«Халқимизда қўли, қўрсандчилик умрини зайтиради, деган гап бор», — дейди меҳнат фохириси, салкам ярм асрдан бери умрини санъатга бағишда этиб келадиган Мухаммадҷон ота Маликов...

Шундай ҳам бўлди. Майдон ағалари биринчи бўлиб 15-дақиқада ҳўсобини очигина муваффақ бўлишди. Ҳўжумчиларимизнинг набадгаги зарбасини қайтарган дарвозабон Нурилла Ҳабибов қайта тепилган тўпни ушлаб қолди...

«Дўстлик» уйингоҳида қўп бўлганмиз. Лекин, бу гали байрам, уйин-қўлиқ, одамлар чехрасидга қўнувоқлик, катта шодиёнига биринчи қўришимиз.

АЁЛЛАРИ АСРАНГ!

РЕСПУБЛИКАМИЗДА чиккидан қайси бир гавэтай журнални варақламган, унда аёл саломатлиги ёҳуд соғлом авлод тақдирини хусусида бирон бир мақолада қўзғитиш тўғрисида иложини йўқ. Радио, телевидениеда ҳам шу гап...

Албатта, бу борада Тошкент вилоятида ўтган йиллар давомида бир тал йиллар қўлинида ва қилинмоқда. Лекин ечимини қўрашда аёлларимизнинг айрим ҳолларида локяйдлик тўғрисида йўқ қўйлаётган хато ва нуқсонлар ҳам йўқ эмас. Ҳўш, вилоятда бошланган яҳши тадбирларни қим қилиб етказишди? Аёл ва аёл болалар саломатлиги билан боғлиқ камчиликлар қачон тузатилади? Ҳўжлардаги турли жамоат ташкилотлари ва маъсул идоралар қачон боғлиқ таъбирлар қўрилади?

Зарифа БОНУ.

ДУШАНБА, 24

Table with TV schedule for Dushanba, 24. Columns include time slots (e.g., 6.30, 8.00, 8.30) and program titles (e.g., «Ассалом, Ўзбекистон!», «Эстрада тароналари»).

СЕШАНБА, 25

Table with TV schedule for Seshanba, 25. Columns include time slots (e.g., 6.30, 8.00, 8.30) and program titles (e.g., «Ассалом, Ўзбекистон!», «Республика газеталарининг шарҳи»).

ЖУМА, 28

Table with TV schedule for Juma, 28. Columns include time slots (e.g., 6.30, 8.00, 8.30) and program titles (e.g., «Ассалом, Ўзбекистон!», «Республика газеталарининг шарҳи»).

ШАНБА, 29

Table with TV schedule for Shanba, 29. Columns include time slots (e.g., 6.30, 8.00, 8.30) and program titles (e.g., «Ассалом, Ўзбекистон!», «Республика газеталарининг шарҳи»).

ЧОРШАНБА, 26

Table with TV schedule for Chorshanba, 26. Columns include time slots (e.g., 6.30, 8.00, 8.30) and program titles (e.g., «Ассалом, Ўзбекистон!», «Тонги дам олиш даври»).

ПАЙШАНБА, 27

Table with TV schedule for Payshanba, 27. Columns include time slots (e.g., 6.30, 8.00, 8.30) and program titles (e.g., «Ассалом, Ўзбекистон!», «Тонги дам олиш даври»).

ШАНБА, 29

Table with TV schedule for Shanba, 29. Columns include time slots (e.g., 6.30, 8.00, 8.30) and program titles (e.g., «Ассалом, Ўзбекистон!», «Тонги дам олиш даври»).

ЯҚШАНБА, 30

Table with TV schedule for Yaqshanba, 30. Columns include time slots (e.g., 6.30, 8.00, 8.30) and program titles (e.g., «Ассалом, Ўзбекистон!», «Тонги дам олиш даври»).


ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ



ҲАРТАЛИК КЎРСАТУВЛАР


Table with TV schedule for Toshkent Haqiqati. Columns include time slots (e.g., 6.30, 8.00, 8.30) and program titles (e.g., «Ассалом, Ўзбекистон!», «Эстрада тароналари»).

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ



ҲАРТАЛИК КЎРСАТУВЛАР

Table with TV schedule for Toshkent Haqiqati. Columns include time slots (e.g., 6.30, 8.00, 8.30) and program titles (e.g., «Ассалом, Ўзбекистон!», «Эстрада тароналари»).



Митти ёқутчалар

Зода муриду отани пир бил,
Хар ишида ҳуқмига тасбир бил.

АБДУРАҲИМ

АБДУЛЛОХ

ҚАДИМ ЗАМОНДА Бағлод шаҳрида Абдуллох исми хайр-саховатли, марҳамат-шафқатли, адолатпарвар, муътабар бир одам яшарди.

ШУНДАЙ ҚИЛИБ, ўртанча ўғил Абдурахим ҳам қимматбахо тош ахтариб, бир денгиз бўйида келди.

МУКОФОТ

ШУНДАЙ ҚИЛИБ, олижаноб, мурувватли йигит унга кириб, ота-онани ва акалари билан кўришди.

АБДУҲАКИМ

ШУНДАЙ ҚИЛИБ, кичик ўғил Абдуҳақим олти ой саргардон бўлиб юриб, ҳеч қаердан қимматбахо тош топа олмади.

АБДУҲАЛИЛ

ШУНДАЙ ҚИЛИБ, уч ўғил энг қимматбахо тош келтириш умидида саёхатга чиқиб кетдилар.

ШУНДАЙ ҚИЛИБ, кичик ўғил Абдуҳақим олти ой саргардон бўлиб юриб, ҳеч қаердан қимматбахо тош топа олмади.

— Сен ҳам қимматбахо тош келтирдирингми? Елкаларингда нима ялтираб турибди? — деб сўради.

— ШУНДАЙ ҚИЛИБ, олижаноб, мурувватли йигит унга кириб, ота-онани ва акалари билан кўришди.



ГОРТИМИЗГА НАВРҲҲЗ КЕЛАДИ ИБО ВИААН, ЁР-ЁР...

СОВҒАГА — «ГУЗАР»...

... тақдим этилди. Тошкент туманидаги Тошкент жамоа хўжалиги марказида «Мирзиёв» хусусий фирмаси ахли замонавий ва миллий кўринишдаги савдо, маиший хизмат тармоқларидан иборат «Гузар» мажмуасини Наврўз байрами арафасида ишга туширди.

ДОНО СЎЗ ДУНЁ КЕЗАР

• САҲИЙЛИК — бахт-саодатдан далилдор. Саховатсиз, саодатсиз бахилдир.

• Одам аржуманддир саховат билан, Қадри кўп баланддир саховат билан. Баландлик бор саховат поясида, Хазор осудалик бор соясида.

• ҲИММАТ камарин боғлаган ҳамон, Чумоли енгади шерни бегумон.

• Агар ишга ҳамроҳ бўлмас экан сўз, Иш йўлини гапдан кўра олмас кўз.

• КИМКИ таний олмас нақди гаваҳрин, Билмайин иргитиб, топар зарарин.

• КИМ агар дўстлар билан яқдил бўлур, Барча мақсуди анинг ҳосил бўлур.

Тўпловчи Абдурахим УМАРБЕКОВ.



Айём оқишларида

«НАВРҲҲЗ» ТОПҚИРЛИК МАШҚИ

Азиз муштарийлар! Қўйидаги таърифланган сўзларни топиб, шаклда белгилаган хонадан соат миля йўналишида рақам атрофига ёзиб машқини ҳал этинг.

Аввал қўйда таърифланган сўзларни топиб очкичини ҳал этинг. 1. Фарғона водийсидаги гуллар севри — 3, 2, 20, 2, 3, 13, 2, 3.

«ҚИШЛОҚ-ҚУРИЛИШ»

ОЧИҚ ТИПДАГИ ҲИССАДОРЛИК МАШҚАТИ

МАЪЛУМ ҚИЛАДИ

Хиссадорлар кенгаши 1997 йил 28 апрель куни соат 16.00 да Тошкент шаҳар Стахановчилар кўчаси, 26-уйда ўтказилади.

КҲН ТАРТИБИ: 1996 йил хўжалик фаолиятининг мопиявий якуни.

ДОНО СЎЗ ДУНЁ КЕЗАР

• ЖАҲОННИНГ шодлигин боиси дехқон, Унинг бирла экинзор бор ҳамда бўстон.

• ОРЗУ, тилак йўли меҳнат тагида, Хазинанинг мўли меҳнат тагида.

• ОСОНЛИКЧА келмас шодлик, фароғат, Меҳнатсиз қозонмас ҳеч киши шухрат.

• МЕҲНАТ тагидир, эй оқил, ҳар ганж, Ганж топмас ҳеч кимса тортмас эса ранж.

• ҲАР ишдаким инсон кўрсатур ҳиммат, Тикан ҳам гулдаста бўлур оқибат.

• ЎЗ манглай теридан нон еган киши, Хотам миннатидан озод ёз-киши.

• ЭРТАГА қолмаса бугунги иши, Бу дунёда голиб яшар шул киши.

Ўқитувчи — 97

ГОЛИБЛАР КЎПАЙСИН

ҚУТЛУҒ айём арафасида Тошкент туманидаги Гуломмаҳмуд Абдуллаев номи жамоа хўжалигининг маданият саройида ўтган бу тадбир вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи Олег Тожиев ҳамда хўжалик бошқаруви раҳбарларининг табриклари билан бошланди.

Танловда вилоятимизнинг яқунловчи босқичига чиққан, 8 нафар ўқитувчилари беш шарт бўйича ўз малака ва маҳоратларини кўрсатдилар. Шунинг айтиш керакки, мазкур кўрик ҳар бир муаллимнинг ижодий изланишига жиддий эътибор берганликлари кўрсатди.

ОЛАМ ҲАФТА ИЧИДА

ИККИ ПРЕЗИДЕНТ УЧРАШУВИ

• КЕЧА Финляндия пойтахти — Хельсинки шаҳрида АҚШ президенти Б. Клинтон билан Россия Федерацияси президенти Б. Ельцин ўртасида учрашув бошланди. Унда НАТО — Шимол-Атлантика ҳарбий уюшмасининг Шарқ томон кенгайиши масаласи кўришга мажбур бўлди, деб айтиди.

ВАЪДАОЗЛИГИ УЧУН СУДГА БЕРИЛДИ

• КАНАДАНИНГ Британия Колумбияси деб аталган вилоятининг бир неча фуқароси ҳуқумрон Янги демократик партиясини, унинг раҳбарини ҳамда бош вазир Глен Кларкни судга бердилар.

Б. РАБОННИ... ҚОЧОҚЛАР ОРАСИДА

• АФГОНИСТОНДАГИ қуроли тўқнашувлар кундан-кунга авжига чиқмоқда. Тожикистон раҳбари Имомали Раҳмоновнинг гапларига қараганда, бундай аҳвол катта ташвиш туғдиримоқда.

ТИЛАНЧИЛИК КАСБИДА БИР КҲН

• ТИЛАНЧИЛИК нима ун? Ундан фойда борми, йўқми? Бу саволларга

ҚУРОЛ БОЗОРИДА

• БИРЛАШГАН Араб Амирликлари пойтахти — Абу Дабий шаҳрида Айхад-97» деб аталган қурул-асвоқлар бўйича халқаро кўргазма даволат этимоқда.

«МИНГ БИР ТУН» ҚАЙТА ТУГИЛДИ

• МАШҲУР «Минг бир ту» эртаклар китобини ким ўйлаган дейсиз? Лекин, бу асар ани пайтагча Мисрда ҳеч қачон тўлиқ матнда чоп этилмаган эди.

ЖАҲОН ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ҲАБАРАТИ АССИДА ТАЙЁРЛАДИ.

ТОШКЕНТ ҲАКИКАТИ

Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ

Маъмулий: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар: хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 33-40-48

Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун рекалма ва эълон берувчилар масъулдир.